



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

№4/2

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/2-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров
PhD, доцент И.М.Пардаева
А.Х.Мингбоев

Техник муҳаррир:

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба
чоп этилади.

Ўзбекистон худудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори, DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти, DSc

А.М.Каримова – СамИСИ профессори в.б., DSc

МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Rayhona Sadriddinovna Amriddinova, Shaxrizoda Xolmirzaeva Mehmonxonada sifatni boshqarish tizimini yo'lga qo'yish	148
Мохигул Эркиновна Ахтамова Управление бизнесом в Республике Узбекистан и пути её совершенствования	150
Бахтиёр Васиевич Насимов Идентификация основных проблем и вызовов, связанных с управлением производственными запасами	156
Qobiljon Qaxramon o'g'li Shodmonov Sanoat korxonalari boshqaruvi samaradorligini oshirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmi	162
Muxabbat Sameyevna Sharipova Yashil iqtisodiyotga o'tish jarayonida boshqaruvning strategik vazifalari	166
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Зухур Давронович Ниёзов, Шухратжон Зухурович Давронов Иқтисодийда молиявий ресурсларни кўпайтириш	173
Азиза Махомадризовна Каримова, Ориф Шакирович Максудов Анализ предпринимательской деятельности в Республике Узбекистан	179
Sanjar Jaloliddin o'g'li Abdusaidov Sug'urta korxonalarida MHSni qo'llashning muammo va yechimlari	184
Pyos Pkhovich Ayubov, Muhriddin Ixtiyor o'g'li Ergashev Valyuta bozori tahlili va uni erkinlashtirish yo'llari	189
Зафаржон Яшинович Рахманов Тижорат банклари фаолиятида трансформацион жараёнлар: муаммо ва ечимлар	192
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Nodirbek Xurshid o'g'li Berdiqobilov Korxonalarda xarajatlarning strategik boshqaruv hisobini takomillashtirish	199
Саёхат Зафаровна Зарипова Ведение учета основных средств на основе международных стандартов бухгалтерского учета	203
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Sohiba Sirojiddinovna Kamolova, Mohigul Xudoyberdi qizi Jamolova Ta'lim jarayonida axborot texnologiyalarining imkoniyatlari	206
Ithom Begmatdulobovich Mattiyev Sog'lomlashtirish va dunyoqarash texnologiyasi tushunchasining mazmun-mohiyati hamda funksiyalari.	209
Nigina Marupovna Usmanova, Sevinch Sobirjonovna Raxmonkulova Kadrlarni saqlab qolish strategiyalarini qo'llashda kadrlar siyosatining ahamiyati	213
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Ўзимизга ўзимиз ташвиш орттирмайлик	218

eksport – import o‘rtasidagi muvozanat ta’minlangan sharoitda milliy valyuta almashuv kursining keskin pasayishi kuzatilmagan bo‘lar edi.

Rivojlanayotgan mamlakatlarning ko‘pchiligida, shu jumladan, O‘zbekiston Respublikasida to‘lov balansi tushum va to‘lovlar summasining sezilarli qismi eksport operatsiyalaridan olingan tushumlar va import operatsiyalari bo‘yicha to‘lovlar summasiga to‘g‘ri keladi. Bunday sharoitda, eksport hajmining import hajmidan oshishi milliy valyuta kursi barqarorligini ta’minlovchi muhim omil bo‘lib hisoblanishi lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Xodiyev B.Y., Shodmonov Sh.Sh. Iqtisodiyot nazariyasi.Darslik. – T.: Barkamol fayz media, 2017.
2. O‘lmasov A., Vahobov A.V. Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik. – T.: «Iqtisod-moliya», 2014. – 480 bet.
3. Muxammedov M.M. va boshqalar Iqtisodiyot nazariyasi.Darslik. – T.: Fan va texnologiya, 2022.
4. Xajiyev B.D., Mamaraximov B.E., Mambetjanov Q.Q. Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik (rus tilida). – T.: “Iqtisodiyot”, 2019. – 548 bet.
5. Мухаммедов М.М, Камилова Н.А. Экономическая теория. Учебник для бакалавров.Fan va texnologiya nashriyoti, 2023.-624

<p>И.Аюбов, М.Эргашев Анализ валютного рынка и пути его либерализации</p>	<p>I.Ayubov, M.Ergashev Currency market analysis and ways to liberalize it</p>
<p>Аннотация. В этой статье рассказывается о роли валютного курса в бюджете страны, ожидаемой инфляции и системе международных экономических отношений, а также анализе взаимоотношений, связанных с преобразованием международных экономических операций в национальную валюту.</p> <p>Ключевые слова: операция, прогнозирование, аккредитив, спекулятивный, экспорт, импорт.</p>	<p>Abstract. This article discusses the role of the exchange rate in the country's budget, expected inflation and the system of international economic relations, as well as an analysis of the relationships associated with the transformation of international economic transactions into national currency.</p> <p>Keywords: operation, forecasting, letter of credit, speculative, export, import.</p>

Зафаржон Яшинович Рахманов – и.ф.ф.д, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси мустақил изланувчиси

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ТРАНСФОРМАЦИОН ЖАРАЁНЛАР: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

<p>Аннотация. Мазкур мақолада тижорат банкларида амалга оширилаётган трансформацион жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган. Шунингдек, трансформацион жараёнларни амалга ошириш билан боғлиқ ички ва ташқи муаммолар аниқланган. Бундан ташқари, банклар фаолиятини трансформациялаш жараёнларининг стратегик ривожланиш йўналишларига таъсири нуқтаи-назаридан тақлиф ва тавсиялар берилган.</p> <p>Калит сўзлар: банк, трансформация, стратегия, рақамли технология, рақамли валюта, бизнес-модел, онлайн-банкнинг.</p>

Кириш. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг иқтисодиёт секторидаги ислохотлари, банк-молия тизимида амалга оширилаётган трансформация жараёнлари тижорат банклари

фаолиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш борасида янги ёндашувларни шакллантиришни талаб қилмоқда. Фикримизча, мазкур мулоҳазани бир неча стратегик тенденциялар билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, банк тизимини тартибга солиш борасидаги макропруденциал назорат талабларининг ўзгариши, ЯИМнинг ўсиши, инфляция, ишсизлик даражасини қисқартириш, молия бозорининг барқарорлигини таъминлаш, замонавий технологиялар ва рақамли хизматларни амалиётга жорий этиш орқали банкларнинг ликвидлик даражаси ҳамда рақобатбардошлигини таъминлашда банк стратегиясининг роли ва аҳамиятини оширишни талаб этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2023 йил 18 февралдаги қарори билан тасдиқланган “Тизимли аҳамиятга молик банкларни аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом”га мувофиқ тизимли аҳамиятга молик банклар аниқланиб, улар фаолияти устидан мутаносиб назорат ўрнатиш ва масофадан назорат қилувчи назоратчилар (кураторлар) бириктириш, кейинги босқичда Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 38-моддаси асосида уларга нисбатан пруденциал нормативларга қўшимча устамалар (буфер) белгилаш масалалари кўриб чиқилади[1]. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 16 февралда 1545-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Марказий банк бошқарувининг “Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарорига биноан, банкларнинг вакиллик ҳисобварағида етарли маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, банклар ўртасидаги якуний ҳисоб-китобга оид тўловлар овердрафт сифатида акс эттирилиши белгилаб берилган. Шунингдек, вакиллик ҳисобварағида овердрафт юзага келган банкнинг Марказий банк ҳисоб-китоблар клиринг тизими ва Тезкор тўловлар тизими орқали операциялари вакиллик ҳисобварағида ижобий қолдиқ шаклланишга қадар тўхтатилиши қайд этиб ўтилган[2].

Тижорат банкларининг классик хизматлари ҳисобланувчи кредитлаш, депозит хизматлари ва тўлов тизимида юқори технологияга эга тўлов тизимлари ва нобанк ташкилотларнинг интеграцияси натижасида банкларнинг бошқа сегментларга бўлган қизиқиши ошиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонунда, тўлов ташкилоти банк бўлмаган, тўлов хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган юридик шахс, тўлов агенти худди шундай банк ёки тўлов ташкилоти билан тўлов хизматлари кўрсатиш учун агентлик шартномасини тузган, банк ҳисобланмайдиган юридик шахс эканлиги белгилаб берилган, шунингдек, қонуннинг 15-моддасида тўлов хизматлари банклар ва тўлов ташкилотлари учун рухсат этилган тўлов хизматларининг турлари доирасида тўлов агенти ҳамда тўлов субагенти томонидан кўрсатилиши назарда тутилган[3]. Humans МЧЖ нинг расмий сайти маълумотларига кўра, унинг мобил иловаси (SuperApp) Uzcard, HUMO ва Humans VISA карталари ўртасидаги пул ўтказмаларини амалга ошириш, Humans ягона ҳисобварағида сақланаётган пул маблағлари қолдиғи учун йиллик 35 фоиз ҳисобидан кунлик кешбэк олиш, Россия-Ўзбекистон ўртасидаги пул ўтказмаларини амалга ошириш ва бошқа хизматларни кўрсатиш имкониятини беради. Шу билан бир қаторда, 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб, мобил алоқа операторлари, тижорат банклари ҳамда тўлов тизимлари операторларига ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда, ўзларининг мобил иловалари орқали Ягона порталдаги электрон давлат хизматларини (my.gov.uz) кўрсатишга рухсат берилган[4].

Жаҳон иқтисодийётига рақамли валюталарнинг кириб келиши ва молиявий инновацияларни жорий қилиш борасидаги чора-тадбирларнинг кучайиши натижасида тижорат банклари фаолияти учун тизимли рискларни юзага келтирмоқда. Хусусан, 2018 йилдан ўз фаолиятини бошлаган Mangu.uz электрон платформаси маълумотларига кўра, “Mangu” пикселлари мураккаб криптовалюталардан фарқ қилиб, шахси аниқ субъектлар билан шартнома асосида амалга ошириладиган, кафолатланган, ошқора ҳаракатланувчи, содда ва янгича криптовалюта тизимини маҳаллий шароитда синовдан ўтказиш ва ўз

атрофига хорижий инвестиция маблағларини жалб этиш мақсадида “пул эквиваленти” сифатида яратилган. Таъкидланишича, юридик жиҳатдан “Mangu” pixel лари электрон облигациялар ҳисобланади ва пул эквиваленти сифатида фойдаланиши мумкин. “М” тангаси ичида саноғи аниқ – қайта эмиссия қилинмайдиган ҳар бирининг нархи 1000 сўм бўлган 1 017125 дона ўзгармас pixel жойлашган[5].

Ушбу стратегик тенденциялар, фикримизча, банк фаолиятида трансформацион жараёнларнинг назарий ва услубий жиҳатларини ўрганишга бағишланган амалий ва илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларини белгилаб беради.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили. Банк фаолиятини трансформациялаш шароитида банк стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш бўйича бир қанча хорижлик ва маҳаллий олимлар томонидан изланишлар олиб борилган. Хусусан, Б.Жўраев ўз тадқиқотларида банкларнинг бизнес моделларини ўзгартириш орқали фаолиятини тижоратлаштириш ва мижозга йўналтирилганлигини ошириш, уларнинг корпоратив бошқарув ва риск-менежмент тизимларини такомиллаштириш, хизматлар сифатини ҳамда кўламини ошириш мақсадида халқаро молия институтлари ва соҳага ихтисослашган консултантларни жалб этган ҳолда давлат иштирокидаги барча банклар фаолияти трансформация қилиш масаласини олиб чиққан[6]. А. Азларова: “Тижорат банкларида рақамли трансформацияни ривожлантириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг эҳтиёжларини алоҳида ўрганиш ва мавжуд имкониятларни чуқур таҳлил қилиш орқали, янги стратегияларни ишлаб чиқиши лозим эканлигини, рақамли иқтисодиёт шароитида банк сектори энг замонавий хизматларни таклиф қилишга тайёр бўлиши керак” эканлигини таъкидлаган[7].

Тижорат банклари фаолиятини трансформациялаш жараёнларининг стратегик йўналишларидан бири бўлган рақамлаштириш муаммолари кўплаб олимлар ва амалиётчи мутахассислар томонидан олиб борилаётган тадқиқотлар объектига айланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг масъул ходими У.Маҳмудовнинг “Банк тизимида рақамли молиявий хизматлар: тараққиёт ва олдинда турган вазифалар ечими” номли мақоласида: “...иқтисодиётнинг рақамлаштирилиши нафақат банклар учун янги имкониятларни яратади, балки уларни рақобатни кучайтириш, мижозлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, арзон ва сифатли молиявий тўлов хизматларини кўрсатиш орқали мижозларни жалб қилишнинг янги усулларини излашга ундайди, тўлов ва банк хизматлари соҳасидаги қатъий рақобатга барҳам бериш зарурати аҳоли молиявий маданиятининг ўсиши шароитида банкларга нисбатан муайян талабларни қўяди. Бундай ҳолда юқори сифатли рақамли банкинг хизматларини тақдим этадиган банклар, шубҳасиз, устунликларга эга бўлиши тайин. Рақобат бозорида фақат ўз фаолиятини банк бизнесининг янги талабларига ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларига мувофиқ ўзгартирган банклар барқарор ишлайди. Кўрилган чора-тадбирлар ва яқин келажакда амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар ҳам янада ривожланишга, мунтазам назоратнинг ўрнатилишига ва банк тизимидаги камчиликларнинг бартараф этилишига хизмат қилади” - деган хулосага келинган[8].

А.Meola “The digital trends disrupting the banking industry in 2023” номли мақоласида, молиявий хизматлар индустриясидаги энг кўп кузатилаётган тенденция рақамли технологияларга, хусусан, мобил ва онлайн-банкнинг ўтиш ҳисобланишини таъкидлайди. Мазкур рақамли трансформация технологик стартаплар томонидан рақобатнинг кучайиши, шунингдек, кичик банклар ва стартапларнинг бирлашишига олиб келган. Аммо 2022 йилда аксарият мамлакатларда финтех лойиҳаларни молиялаштириш ҳажми пасайган. CB Insights маълумотларига кўра, 2022 йилнинг учинчи чорагида молиявий технологияларни молиялаштириш ҳажми олдинги чоракка нисбатан 38 фоизга камайган ва 12,9 млрд.долларни ташкил этган. Шунингдек, мақолада қайд этилишича, банк соҳаси инкүрозли 2008 йилга нисбатан яхши ҳолатда. The Bankerнинг “Top 1000 World Banks Ranking” рейтинг натижаларига кўра, банкларнинг умумий активлари 2022 йилда 154 211 млрд.долларни ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан (148 583 млрд.доллар) 3,78 фоизга

кўпайган. Ўз бошқаруви остида бундай маблағларга эга бўлган банклар мижозларни жалб қилиш ва мавжудларини сақлаб қолиш учун янги технологияларни жорий қилишмоқда. Бундан ташқари, инновацион банк технологияларига эга бўлган стартаплар ва необанклар майдонга чиқиб келишмоқда[9].

Тижорат банклари фаолиятини трансформациялаш муаммолари Ernst & Young Global Limited экспертлари A.Gilder, M.Cox ва J.Sankey томонидан тайёрланган “How will banks transform to build the next generation of businesses?” номли тадқиқотида атрофлича кўриб чиқилган¹. Тадқиқотда қайд этилишича, ҳар бир тижорат банк ўзига хос бўлган трансформацияланиш жараёнига эга эканлигини эътиборга олиб, у стратегик устуворликлар ва кадриятларни аниқлаб олиш, рақамли технологиялар асосида мижознинг индивидуал талабларини қондиришга мўлжалланган маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқиш, мижозларнинг кутилмаларига мос келувчи экотизимларни шакллантириш, трансформацион жараёнларни фаоллаштириш учун янги технологияларга инвестициялар ҳажмини оширишдан бошланиши зарур[10].

Тадқиқот методологияси. Тижорат банклари фаолиятида амалга оширилаётган трансформацион жараёнларнинг концептуал хусусиятларига бағишланган мазкур ишда илмий абстракциялаш, мантикий таҳлил, гуруҳлаш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция каби услуб ва ёндашувлардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Сўнгги йилларда тижорат банклари фаолиятини трансформациялаш жараёнлари, улардан кутилаётган натижалар илмий тадқиқотлар ва амалиёт ходимларининг изланишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Аммо, шунинг алоҳида эътироф этиш зарурки, уларнинг аксарият қисмида трансформацион жараёнлар алоҳида олинган банклар ёки фаолият йўналишлари нуқтаи-назаридан кўриб чиқилган бўлиб, стратегик муаммоларнинг бир қатор муҳим жиҳатлари эътибордан четда қолмоқда.

Бугунги кунда банк фаолиятини рақамли трансформациялаш борасидаги юқорида келтирилган муаллифларнинг фикр ва мулоҳазалари банк стратегиясини ишлаб чиқишда муайян аҳамият касб этишига қарамасдан, қуйидаги хусусиятларни эътиборга олган ҳолда тўлалигича қабул қилиниши мумкин эмас:

Тижорат банкларида рақамли технологиялар асосида бизнес жараёнларни оптималлаштириш имкониятининг чекланганлиги. Ушбу йўналишда кенг тарқалган муаммолардан бири трансформацион жараёнлардан олинадиган амалий натижаларнинг аниқ белгилаб олинмаганлиги. Амалдаги платформаларни “замонавий” платформаларга алмаштириш ёки янги технологияларни унга интеграциялаш бизнес жараёнларнинг ўз-ўзидан яхшиланишига олиб келмайди ва иқтисодий самарани таъминлаб бермайди. Бундан ташқари, трансформациялаш жараёнларида кузатилаётган яна бир салбий тенденция бир дастур доирасида бир неча ташаббусларни бирлаштиришга интилишга тегишлидир. Албатта, банкнинг электрон платформасини трансформациялаш технологиялар ва архитектурани ўзгаришига олиб келади. Аммо, уни турли ташаббуслар, жумладан бизнес жараёнлар реинжиниринги, масофавий хизматларни кўрсатишнинг янги каналларини жорий этиш учун зарур бўлган оралиқ дастурий таъминотни киритиш (рақамли платформалар) ва бошқалар банкларнинг электрон платформасини янада мураккаблаштиради ва уни турли киберрисклардан ҳимояланиш даражасини пасайтириши мумкин. Шу билан бир қаторда, трансформациялаш жараёнларида хизматлар сифатини таъминлаш масалаларига деярли эътибор қаратилмайди. Мутахассисларнинг аксарият қисмида асосий банк операциялари стандарт хизматлар ҳисобланади ва уларни кенг қамровли текширишдан ўтказиш шарт эмас деган тушунча мавжуд. Шунинг учун текшириш, қайта текшириш учун вақт ва маблағ кам ажратилади. Фикримизча, назардан четда қолаётган муҳим масалалардан бири дастурий таъминотни харид қилиш, ўрнатиш ва

¹ Ernst & Young Global Limited. A.Gilder, M.Cox, J.Sankey. How will banks transform to build the next generation of businesses? <file:///C:/Users/Admin/Downloads/ey-how-will-banks-transform-to-build-the-next-generation-of-businesses.pdf>

унга хизмат кўрсатишда банк электрон платформаси ҳамда унга интеграциялашган барча томонлар ўртасидаги келишув даражасининг етарли эмаслиги ҳисобланади.

Рақамли молиявий технологияларнинг банк фаолияти самарадорлигини таъминлаш борасидаги имкониятларининг чекланганлиги. Кўплаб илмий ва амалий манбаларда тижорат банкларини рақамли трансформациялашнинг энг истиқболли шакли бизнес ва операцион моделларни ўзгартириш ҳисобланиши қайд этилган. Бизнес-моделлар диққат эътиборни банк бизнесининг жорий ҳолати ва бозор учун қандай кадриятларни яратаётганига қаратса, операцион моделлар ички бизнес-жараёнларнинг самарадорлигига йўналтиради. Бундай ёндашув тактик нуқтаи-назардан тўғри бўлишига қарамасдан, банк фаолиятининг истиқболи (стратегия) нуқта-назаридан мақсадга мувофиқ ҳисобланмайди. Хусусан, 2023 йилнинг 10 март кунидан АҚШ венчур технология стартапларининг деярли ярмига хизмат кўрсатувчи, 2023 йил бошига деярли 209 млрд. долларлик активлар ва 175,4 млрд.доллар депозитларга эга бўлган Silicon Valley Bank (SVB) га нисбатан молиявий регуляторлар California Financial Code section 592 асосида California Department of Financial Protection & Innovation (DFPI) ва Federal Deposit Insurance Corporation (FDIC) томонидан банкротлик процедураси бошланган[11].

Шуни қайд этиш лозимки, мазкур банк энг ишончли банклардан бири сифатида Forbes нинг “America's Best Banks 2023” рейтингига киритилган эди. Банкнинг банкротлик ҳолатига келиб қолганлигининг асосий сабаблари сифатида жалб этилган депозитларнинг 91 млрд. доллари қимматли қоғозларга жойлаштирилганлиги ва Federal Reserve томонидан ҳисоб ставкаларининг оширилиши ҳисобига улардан деярли 15 млрд. доллар зарар кўрилганлиги, шунингдек, фоиз ставкаларининг оширилиши SVB мижозлари томонидан маблағларни банк олиб чиқилиши, олиб келганлиги ва бунинг натижасида юзага келган ликвидлик муаммосини 21 млрд. долларлик АҚШ ғазначилик облигациялари портфели ҳамда банкнинг 2,25 млрд. долларлик оддий ва имтиёзли акцияларининг сотувга чиқарилишини келтириш мумкин. Банк фаолиятидаги муваффақиятсизликлар банк мижози бўлган Circle Internet Financial томонидан эмитентлаштирилган АҚШ долларига боғланган криптовалюталар USD Coin (USDC) ва DAI курсининг пасайишига олиб келган[12].

Рақамли технологиялар стратегик ривожланиш йўллари аниқлаш тизимини янги даражага чиқаришда муайян аҳамият касб этишига қарамасдан, юзага келиши мумкин бўлган тизимли рисклардан ҳимояланиш имкониятини бермайди. Шунинг учун макропруденциал сиёсатнинг бешта оралик мақсадлари белгиланган:

левериж ва кредитлар ўсиш суръатини молиявий барқарорликка салбий таъсирини олдини олиш;

долларлашувнинг тизимли хатарларини чеклаш;

муддатлар ўртасидаги номутаносибликларни ҳамда бозор ноликвидлигини камайтириш;

рискларнинг концентрациялашувини тартибга солиш;

тизимли аҳамиятга молик банклар томонидан ҳаддан зиёд кўп рисклар жамланишининг олдини олиш[13].

Қайд этилган чора-тадбирлар мажмуаси ташқи ва ички иқтисодий вазиятнинг ўзгаришига мутаносиб бўлиши, банк фаолиятининг турли йўналишларига жиддий таъсир ўтказиши мумкин. Қайд қилиш зарурки, бугунги кунда назорат остига олинмайдиган локал (минтақавий) рисклар энгил тарзда алоҳида олинган мамлакатлар иқтисодиёти ва молиявий барқарорлигига, шунингдек, жаҳон молия тизимига жиддий хавф туғдирувчи ва тартибга солиш мумкин бўлмаган тизимли рискларга трансформацияланиши бирор шубҳа остига олинмайдиган фактдир.

Тижорат банклари фаолиятига жорий этилаётган рақамли молиявий технологиялар операцияларни амалга ошириш тезлигини ошириш имконини берсада, уларнинг мижозларнинг талаби ва тўловга қобиллик даражасига мувофиқлиги яъни сифатини тўлиқ

таъминламайди. Авваламбор, эътироф этиш зарурки, сифат деганда икки йўналишдаги фаолият натижалари назарда тутилади. Биринчи йўналиш – истеъмолчи, қонунчилик ва меъёрий талаблар доирасида маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш. Иккинчи йўналиш - истеъмолчи, қонунчилик ва меъёрий талаблар доирасида маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш жараёнларини такомиллаштириш, қайта ташкил этиш ҳисобланади. Демак, рақамли технологиялар банк операциялари сифатини, яъни сарфланаётган вақт, маблағ ва бошқа ресурслар ҳажмини қисқартириши лозим.

Эътироф этиш лозимки, тижорат банклари фаолиятини трансформациялаш жараёнида юзага келаётган муаммолар юзасидан эътиборга молик бўлган изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, тижорат банклари фаолиятини трансформациялаш муаммолари Ernst & Young Global Limited экспертлари A.Gilder, M.Cox ва J.Sankey томонидан тайёрланган “How will banks transform to build the next generation of businesses?” номли тадқиқотида батафсил кўриб чиқилган[14]. Қайд этилишича, ҳар бир тижорат банки ўзига хос бўлган трансформацияланиш жараёнига эга эканлигини эътиборга олиб, у стратегик устуворликлар ва кадриятларни аниқлаб олиш, рақамли технологиялар асосида миқознинг индивидуал талабларини қондиришга мўлжалланган маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқиш, миқозларнинг қутилмаларига мос келувчи экотизимларни шакллантириш, трансформацион жараёнларни фаоллаштириш учун янги технологияларга инвестициялар ҳажмини оширишдан бошланиши зарур.

Хулоса ва тавсиялар. Амалга оширилган тадқиқотлар асосида тижорат банклари фаолиятини трансформациялаш жараёнларининг стратегик ривожланиш йўналишларига таъсири нуқтаи-назаридан қуйидаги хулоса ва тавсияларни қайд этиш мумкин:

1. Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги роли ва аҳамиятини ошириш: тижорат банклари ўз фаолиятини давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияларига уйғун ҳолда ташкил этишлари зарур. Бу бюджет маблағларини самарали йўналтириш, ижтимоий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш, инфратузилмани молиялаштириш ва давлат дастурларини қўллаш орқали амалга оширилиши мумкин. Иқтисодиётнинг турли соҳаларига мос равишда банк маҳсулотлари ва хизматларини жорий этиш мақсадга мувофиқ. Айниқса, кичик ва ўрта бизнес субъектларини кредитлаш ва аҳолининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш асосий устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

2. Банк миқозлари фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлаш: миқозларнинг ўзгарувчан эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, рақамли технологияларга асосланган янги банк хизматларини жорий этиш лозим. Бундан ташқари, банк ўз миқозларининг молиявий саводхонлигини ошириш дастурларини ишга тушириши мақсадга мувофиқ. Бу нафақат уларнинг фаолияти самарадорлигини оширади, балки кредит портфелининг хавфсизлигини ҳам таъминлайди.

3. Банк фаолиятининг устувор йўналишлари ва кадриятларини белгилаб олиш имкониятининг яратилиши: тижорат банклари келажак учун стратегик мақсадларни белгилаши зарур. Бунда миқозлар базасини кенгайтириш, инновацион технологияларни жорий қилиш, молиявий хавфларни бошқариш ва рақамли технологияларни жорий қилиш устувор мақсадлар сифатида белгиланиши зарур. Шунингдек, банкнинг ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида асосий фаолият йўналишларини белгилаш ва ривожлантириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида https://cbu.uz/oz/press_center/news/867246/
2. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси <https://lex.uz/pdfs/6385885>
3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.11.2019 й., 03/19/578/3986-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон;

- 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон; 21.04.2022 й., 03/22/765/0332-сон.
<https://Lex.uz/docs/4575786>
4. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги https://uza.uz/ru/posts/tizhorat-banklariga-mobil-ilovalari-orqali-davlat-xizmatlari-korsatishga-ruxsat-beriladi_401849? - маълумотлари асосида тайёрланган.
 5. <https://mangu.uz/> - маълумотлари асосида тайёрланган.
 6. Жўраев Б. Давлат иштирокидаги барча банклар фаолияти трансформация қилинади. <https://uza.uz/uz/posts/davlat-ishtirokidagi-barcha-banklar-faoliyati-transformatsiya-15-05-2020>
 7. Азларова А.А. «Covid-19 коронавирус пандемияси шароитида Ўзбекистонда банк соҳасини трансформациялаш жараёнини жадаллаштириш» // «Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар» илмий- электрон журнал. №5, сентябр-октябр, 2020 йил.
 8. Маҳмудов У. “Банк тизимида рақамли молиявий хизматлар: тараққиёт ва олдинда турган вазифалар ечими” “O‘zbekiston iqtisodiy axborotnomasi – Экономический вестник Узбекистана” 2021 йил 3-сон, 32-36 бетлар. https://cbu.uz/upload/medialibrary/6e2/CentroBank_Uz_EVU_3_2021.pdf
 9. A.Meola. The digital trends disrupting the banking industry in 2023. <https://www.insiderintelligence.com/insights/banking-industry-trends/>
 10. Ernst & Young Global Limited. A.Gilder, M.Cox, J.Sankey. How will banks transform to build the next generation of businesses? <file:///C:/Users/Admin/Downloads/ey-how-will-banks-transform-to-build-the-next-generation-of-businesses.pdf>
 11. <https://cbu.uz/upload/medialibrary/2aa/jp1hm74scgs97lfdm0noyn8hr97oyll/MPS-asoslari.pdf> - маълумотлари асосида тайёрланган.
 12. ISO 9001:2015. Сифат менежменти тизими. Талаблар . www.iso.org - маълумотлари асосида тайёрланган.
 13. Ernst & Young Global Limited. A.Gilder, M.Cox, J.Sankey. How will banks transform to build the next generation of businesses? <file:///C:/Users/Admin/Downloads/ey-how-will-banks-transform-to-build-the-next-generation-of-businesses.pdf>
 14. Ernst & Young Global Limited. A.Gilder, M.Cox, J.Sankey. How will banks transform to build the next generation of businesses? <file:///C:/Users/Admin/Downloads/ey-how-will-banks-transform-to-build-the-next-generation-of-businesses.pdf>

<p>З.Рахманов</p> <p>Трансформационные процессы в деятельности коммерческих банков: проблемы и решения</p> <p>Аннотация. В данной статье исследуются особенности трансформационных процессов, реализуемых в коммерческих банках. Также выявлены внутренние и внешние проблемы, связанные с осуществлением этих процессов. Кроме того, даются предложения и рекомендации с точки зрения влияния процессов трансформации деятельности банков на направления стратегического развития.</p> <p>Ключевые слова: банк, трансформация, стратегия, цифровые технологии, цифровая валюта, бизнес-модель, онлайн-банкинг.</p>	<p>Z.Rakhmanov</p> <p>Transformational processes in the activities of commercial banks: problems and solutions</p> <p>Abstract. This article examines the specific features of transformation processes implemented in commercial banks. Internal and external challenges associated with these processes have also been identified. In addition, proposals and recommendations are provided from the perspective of the impact of processes of transformation of banking activities on the strategic development.</p> <p>Keywords: bank, transformation, strategy, digital technology, digital currency, business model, online banking.</p>
---	---

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 11.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.